

Эй фалончи, агар тўшагингга ётсанг...

08:15 / 11.01.2018 3338

Абу Имора Барро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй фалончи, агар тўшагингга ётсанг: «Аллоҳумма асламту нафсий илайка ва важжаҳту важҳий илайка ва фаввазту амрий илайка ва алжаъту заҳрий илайка рағбатан ва раҳбатан илайка ла малжаа вала манжаа минка илла илайка, аманту бикитабикаллазий анзалта вабинабийикаллазий арсалта», деб айт. Албатта сен мана шуларни айтиб, ўша кечаси вафот қилсанг, Ислом фитратида ўласан. Агар тонг оттирсанг, яхшиликка етишган ҳолда тонг оттирасан», дедилар.

Муттафақун алайҳ.